



**“Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти**  
**ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ**

---

2024 йил 25 ноябрь 6 - сонли

Олмалик ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024 йил 21 октябрдаги 26/1-1643- сонли топшириғига ҳамда “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамияти Низомига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги масала юзасидан.**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024 йил 21 октябрдаги 26/1-1643-сонли топшириғида белгиланган янги истиқболли лойиҳаларни “Ўзбекистон технологик металл комбинати” АЖ томонидан ўз вақтида бажарилишини амалга ошириш ҳамда жамиятни фаолиятини барқарор ривожлантириш мақсадида Кузатув кенгашини тасдиқлаш белгиланган.

Мазкур топшириқлар бажарилишини таъминлаш мақсадида, **“Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори қарор қилади:**

1. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва операцион самарадорлигини

ошириш мақсадида жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда корхонанинг Уставида белгиланган муддатда **сайлансин**:

| № | Ф.И.Ш                          | Лавозими                                                                             |
|---|--------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Юсупов Урал Садуллаевич        | Ўзбекистон Республикаси тоғ – кон саноати ва геология вазирининг ўринбосари          |
| 2 | Мухтаров Улугбек Хакимович     | Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори ўринбосари |
| 3 | Санакулов Қувондиқ Санакулович | “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқарув раиси                |
| 4 | Хурсанов Абдулла Халмурадович  | “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқарув раиси               |
| 5 | Файзуллаев Джамал Сабохонович  | “Навоийуран” давлат корхонаси бош директори                                          |
| 6 | Юнусов Мирзиёд Мираҳмадovich   | “Узэлтехсаноат” уюшмаси бошқарув раиси                                               |
| 7 | Атилган Марасли                | Мустақил аъзо                                                                        |

**2. “Ўзбекистон технологик металл комбинати”** акциядорлик жамиятининг Уставига тегишли (кузатув кенгашининг сон таркиби юзасидан) ўзгартиришлар киритилсин.

**3.** Мазкур қарор ижросини таъминлаш **“Ўзбекистон технологик металл комбинати”** акциядорлик жамиятининг раиси Ф.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**“Олмалик КМК” АЖ**  
бошқарув раиси



**А. Хурсанов**